

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
***DSc.03/30.12.2019.I.17.01* РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**
НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АЗИЗОВ АЗИЗБЕК САБИТХАНОВИЧ

**ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ
ҚИЛИШДА МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА МАМЛАКАТ
ХАТАРЛАРИНИ КАМАЙТИРИШ**

***08.00.07* – Молия, пул муомаласи ва кредит**

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (*Doctor of Philosophy*) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2021 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

*Content of dissertation the abstract of doctor of Philosophy (PhD) on
economical sciences*

Азизов Азизбек Сабитханович

Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишда молиявий-
иқтисодий ва мамлакат хатарларини камайтириш.....3

Азизов Азизбек Сабитханович

Снижение финансово-экономического и странового рисков в привлечении
прямых иностранных инвестиций.....25

Azizov Azizbek Sabitkhanovich

Reducing financial, economic and country risks in attracting foreign direct
investments.....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....52

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
***DSc.03/30.12.2019.I.17.01* РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**
НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АЗИЗОВ АЗИЗБЕК САБИТХАНОВИЧ

ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ
ҚИЛИШДА МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА МАМЛАКАТ
ХАТАРЛАРИНИ КАМАЙТИРИШ

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (*Doctor of Philosophy*) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2021 йил

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Iqt576 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Наманган давлат университетиди бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tfi.uz) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Хайдаров Низамиддин Хамраевич
Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Маликов Тохир Сатторович
Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Хамидулин Михаил Борисович
Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.1.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «26» 11 кунни соат 16⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 60А уй. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: admin@tfi.uz

Диссертация билан Тошкент молия институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (298 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 60А. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: admin@tfi.uz

Диссертация автореферати 2021 йил «16» 11 кунни тарқатилди.
(2021 йил «16» 11 даги 49 рақамли реестр баённомаси).



Т.З.Тешабоев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Ф.К.Холмаматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, иқтисодиёт бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

И.Н.Кўзиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар иқтисодий тараққиётида муҳим рол ўйнайди: улар кўп жиҳатдан иқтисодий ривожланиш асосларини аниқлаш, модернизация ва диверсификациянинг истиқболли йўналишларини белгилаб олишга ёрдам беради. Бундан ташқари, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, корпоратив бошқарувнинг янги шаклларини жорий этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, экспорт салоҳиятини кенгайтириш, аҳоли бандлиги ҳамда маҳаллий ва халқаро миқёсда маҳсулотлар рақобатбардошлигини оширишни жадаллаштиришга хизмат қилмоқда. Сўнгги йиллардаги ижобий тенденцияларга қарамай мутахассисларнинг фикрича, «COVID-19 эпидемияси айрим мамлакатлардаги рецессия жараёнлари ва глобал ЯИМнинг 4,3% га камайишига олиб келиши мумкин»¹. Пандемия туфайли тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (ТТХИ) оқимлари ҳажми камайиши кутилмоқда. Бирлашган миллатлар ташкилотининг савдо ва ривожланиш бўйича конференцияси (UNCTAD) экспертлари фикрига кўра, «қимматли қоғозларга ва тоғ-кон саноатга бўлган инвестицияларга бўлган талабнинг пасайиши кузатилади. ТТХИ ҳажми эса деярли \$1,5 триллиондан \$1 триллионгача пасайиши кутилмоқда; бу эса ТТХИга қарам бўлган ривожланаётган мамлакатлар учун инвестициялар ҳажми камайишига олиб келади. Шу муносабат билан дунё мамлакатлари миллий иқтисодиётларнинг ўсишини кўллаб-қувватлаш мақсадида ТТХИ жалб этиш борасидаги алоҳида чора-тадбирларни амалга оширмоқдалар»².

Жаҳон амалиётида трансчегаравий инвестицион хатарлар, ТТХИ инвестицион кафолатларини таъминлаш, хатарлар даражасини ҳисоблашнинг янги алгоритмлари ва усулларини ишлаб чиқиш соҳасида кўплаб тадқиқотлар олиб борилмоқда. Дунё мамлакатлари ўртасида трансмиллий компанияларнинг илғор технологиялари жалб этиш борасидаги рақобат курашининг кескинлашуви, хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг яхлит механизмини доимий равишда такомиллаштириш талабини ва заруриятини акс эттиради. Ўтказилган эмпирик тадқиқотлар хорижий инвестицияларни қабул қилувчи мамлакатлар (хусусан, ТТХИ) чет эл инвестицияларини жалб қилишнинг самарали механизмини яратишлари ва бу борада халқаро институтларга катта умид боғламасликлари лозимлигини кўрсатиб берди. Шу боис, ТТХИга таъсир этувчи молиявий, иқтисодий ва мамлакат хатарларини муҳим бўғин сифатида қараш лозим, «уларнинг юмшатилиши мамлакат инвестицион муҳитининг умумий жозибadorлигини ортишига олиб келади»³.

¹ <https://unctad.org/news/covid-19s-economic-fallout-will-long-outlive-health-crisis-report-warns>

² <https://unctad.org/annualreport/2019/Pages/index.html>

³ Pereira C. & Teles V. Political Institutions, Economic Growth, and Democracy: The Substitute Effect [Online] // The Brookings Institution. - The Brookings Institution, 19 01 2017. - <https://www.brookings.edu/opinions/political-institutions-economic-growth-and-democracy-the-substitute-effect/>.

Ўзбекистонда хорижий инвестицияларни жалб этиш соҳасида бир қатор чора-тадбирлар изчил олиб борилмоқда. Хусусан, хусусий мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилишни янада мустаҳкамлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш, эркин иқтисодий зоналар (ЭИЗ) ва кичик саноат зоналарининг (КСЗ) бутун тизимини ислоҳ қилиш, илмталаб товарларни ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш бўйича мақсадли ва кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. «...Ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни жалб этиш, янги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, маҳсулот турини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш, мавжуд қувватлардан янада самарали фойдаланишимиз зарур... мис ва газ-кимё саноатлари каби, қишлоқ хўжалигининг озиқ-овқат, мева-сабзавот, балиқчилик, чорвачилик тармоқларида кластер ва кооперация тизимини ривожлантириш бўйича катта имконият ва ресурсларимизни ишга солишимиз керак...»⁴. Шу боис, белгиланган мақсад ва вазифаларга эришиш учун кўшимча чора-тадбирлар сифатида, шунингдек, инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича давлат дастурларидан фойдаланиш мумкин бўлган илмий таклиф ва амалий тавсияларнинг ишлаб чиқиш зарурияти мавзунинг долзарблигини асосламоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-598-сон «Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 апрелдаги ПҚ-4300-сон «Республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2017 йил 07 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2012 йил 10 апрелдаги ПФ-4434-сон «Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2020 йил 02 июндаги ПФ-6003-сон «Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмини жорий қилиш тўғрисида»ги Фармонлари, шунингдек мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

⁴ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз тадбиркорлари билан очик мулоқот шаклидаги учрашувда сўзлаган нутқи. – Тошкент: Ўзбекистон Ахборот агентлиги, 2021.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Инвестицион хатарларни баҳолаш ва камайтиришдаги муаммолар ушбу жараённинг назарий-методологик асосларини билан шуғулланувчи олим ва мутахассисларнинг кенг доирасида катта қизиқиш уйғотмоқда. Хорижий амалиётда молиявий, иқтисодий ва мамлакат хатарлари даражаси ёки миллий иқтисодиётнинг инвестицион жозибадорлиги ҳақида бевосита ёки билвосита хабар берувчи турли рейтинг ва индексларни жорий этиш фаол қўлланилмоқда.

Инвестиция хатарлари билан боғлиқ муаммолар ва масалалар қуйидаги хорижий олимлар илмий ишларида ўз аксини топган: Ф.Абдуллах, Т.Агмон, Дж.Дитрих, Б.Айткен, А.Харрисон, Дж.Кантвел, Г.Федер, Р.Джаст, Дж.Цитрон, Г.Никелсбург, М.Улубашоглу, А.Зенаиди, Э.Кларк, В.Клайн, М.Бломштрём, К.Миллер, Дж.Морган, С.Хаймер⁵. Шунингдек, Ўзбекистонлик олимларнинг илмий изланишларида хорижий инвестициялар доир масалалар ёритиб берилган, жумладан А.В.Вахабов, Ш.Х.Хажибаев, Х.Х.Имомов, А.Ш.Бекмуродов, Х.М.Шеннаев, Н.А.Галаева, Б.М.Махмудов, С.Э.Элмирзаев, Ж.Я.Исаков, Ф.Батиров⁶ ва илмий ҳамжамиятнинг бошқа вакиллари томонидан изчил ўрганиб келинмоқда.

Иқтисодчи олим ва мутахассисларнинг тадқиқотларида «мамлакат хатари» тушунчаси атрофлича тадқиқ қилинган. Лекин «мамлакат хатари», «молиявий-иқтисодий хатар», «ижтимоий-сиёсий хатар» тушунчалари, уларнинг ўзаро боғлиқликлари каби муҳим жиҳатлари тўлиқ ёритилмаган.

⁵ Abdullah F.A. Development of an Advance Warning Indicator of External Debt Servicing Vulnerability. [Journal] // Journal of International Business Studies. - [s.l.] : Palgrave Macmillan, 1985. - 3 : Vol. 16. - pp. 135-141. - Springer Verlag - Heidelberg. - ISSN: 0047-2506; Agmon T. & Dietrich J.K. International Lending and Income Redistribution: An Alternative View of Country Risk [Journal] // Journal of Banking and Finance. - Amsterdam: Elsevier, 1983. - 4 : Vol. 7.; Aitken B. & Harrison A. Do Domestic Firms Benefit From Direct Foreign Investment? Evidence From Venezuela [Journal] // American Economic Review. - California : [s.n.], 1999. - 3 : Vol. 89.; Cantwell J. Technological Innovation and Multinational Corporations [Book]. - USA : Blackwell Publishers, 1989. - Vol. 1. - ISBN: 0631138471; Feder G. & Just R.E. A Study of Debt Servicing Capacity Applying Logit Analysis [Journal] // Journal of Development Economics. - [s.l.] : Elsevier, 1977. - 1 : Vol. 4. - pp. 25-38. - ISSN: 0304-3878; Citron J.T. & Nickelsburg G. Country Risk and Political Instability [Journal] // Journal of Development Economics. - 1987. - 2 : Vol. 25.; Clark E. Evaluating country risks for international investments : tools, techniques and applications [Book]. - Singapore : Singapore World Scientific Publishing Co., 2018. - Vol. 1.; Doucouliagos H. & Ulubasoglu M. Democracy and Economic Growth: A meta-analysis. [Journal] // American Journal of Political Science. - Geelong : Wiley, 2006. - 1 : Vol. 52. - ISSN: 0092-5853; Frank C.R. & Cline W.R. Measurement of Debt Servicing Capacity: An Application of Discriminant Analysis. [Journal] // Journal of International Economics. - Wisconsin : University of Wisconsin. - 3 : Vol. 1.; Blomström M. Foreign Investment and Spillovers [Journal]. - 1989 : Routledge, London. - 1 : Vol. 22.; Miller K.D. A Framework for Integrated Risk Management in International Business [Journal] // Journal of International Business Studies. - London : Palgrave Macmillan, 1992. - 2 : Vol. 23. - pp. 311-331. - Springer Verlag. - ISSN: 0047-2506.; Morgan J.B. A New Look at Debt Rescheduling Indicators and Models. [Journal] // Journal of International Business Studies. - Heidelberg : Palgrave Macmillan, 1986. - 2 : Vol. 17. - pp. 37-54. - Springer Verlag (Niederlassung - Heidelberg). - ISSN: 0047-2506.; Hymer S. The International Operations of National Firms: A Study of Direct Foreign Investment PhD Dissertation // PhD Dissertation. - Cambridge, USA : The MIT Press, 1976. - Vol. 1.

⁶ Вахабов А.В. Хажибаев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. - Тошкент : Молия-Иқтисод, 2010. - Т. 1 : 1. - Ўқув қўлланма.; Имомов Х. Х. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. - Тошкент : Иқтисодиёт-Молия, 2010. - Т. 1 : 1. - Ўқув қўлланма.; Шеннаев Х.М., Очилов И.К., Ширинов С.Э, Кенжаев И.Г. Суғурта иши. - Тошкент : «Иқтисод-Молия», 2014. - Т. 1 : 1. - Ўқув қўлланма.; Галаева Н. А., Махмудов Б. М. Международные экономические отношения. - Ташкент : «Иқтисод-Молия», 2003. - Т. 1 : 1. - Учебное пособие.; Elmirezayev S. Korporativ moliyada xorijiy kapitalni jalb etish // Kitob: Korporativ Moliya / muh. Elmirezayev S. Toshkent: Iqtisod-Moliya, 2019. В. 140-150.; С.Элмирзаев, Ж.Исаков, Ф.Батиров. Финансовый менеджмент. - Ташкент: Издательство «Иқтисодиёт-Молия», 2019. - Т. 1 : 1. - Учебник.

Хатарларни баҳолаш, камайтириш уларнинг фоиз ставкага таъсири Ўзбекистон инвестицион муҳити мисолида атрофлича тадқиқ қилинмаган. Мазкур ҳолатлар ушбу диссертация мавзусини танлаш ва тадқиқот вазифаларини белгилашга асос бўлди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Наманган давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Иқтисодийни модернизациялаш, инновацион таррақиёт, инсон капитални ривожлантириш» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади мамлакат ва молиявий-иқтисодий хатарларни камайтириш усуллари ўрганиш ва ривожлантириш, унинг механизмини ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштириш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

мамлакат иқтисодий-иқтисодига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш заруриятини очиқ бериш;

хорижий инвесторларга кафолатларни тақдим этишнинг халқаро ва миллий ҳуқуқий асосларни кўриб чиқиш;

молиявий, иқтисодий ва мамлакат хатарларининг келиб чиқиши, таърифи ва таснифини таҳлил қилиш;

хатарлар ва моделларнинг ўзгарувчилари ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш мақсадида замонавий адабиётлар ва хорижий тажрибани таҳлил қилиш;

«мамлакат хатари», «молиявий-иқтисодий хатар» атамаларининг муаллифлик таърифини ишлаб чиқиш;

моделдаги ўзгарувчилар ва мамлакат кредит рейтинги ўртасида ўзаро алоқадорликни аниқлаш ва таҳлил этиш, уни Ўзбекистонга тадбиқ этиш;

инвестиция хатари даражасига мувофиқ ТТХИ капитали учун қўлланиладиган фоиз ставкани аниқлаш ва таҳлил этиш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистонда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларга хос молиявий, иқтисодий ва мамлакат хатарлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети молиявий, иқтисодий ва мамлакат хатарларини аниқлаш ва уларни минималлаштиришда вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ва эконометрик моделлар мажмуи ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда график, абстракт-мантикий, иқтисодий-статистик, ҳисоблаш-конструктив, рейтинг баҳолаш, гуруҳлаш, таққослаш, илмий тафаккур, дедукция ва моделлаштириш ва олинган натижаларни баён қилиш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қонун устуворлиги, сиёсий барқарорлик ва давлат самарадорлиги мезонларини киритиш орқали мамлакат инвестицион хатарларини баҳолаш индикаторлари таркиби қайта шакллантирилган;

давлат кредит рейтингининг «ВВ»дан «ВВВ»гача кўтарилиши реал сектор корхоналарга жалб этилаётган хорижий капитал йиллик фоиз ставкаси 3,3 фоизга камайтириш имконияти асосланган;

мамлакат валюта захиралари, инфляция ва ташқи қарздорлик кўрсаткичларини 1 фоизга яхшиланиши хатарини 0,17 фоизга камайтириш имконияти аниқланган;

тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар капитал фоиз ставкаси халқаро капитал бозори котировкаларига бевосита боғлиқлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

инвестицион жозибадорликни янада ошириш ҳамда молиявий-иқтисодий ва мамлакат хатарларни камайтириш йўллари ишлаб чиқилган;

инвестицион лойиҳаларга нисбатан қўлланиладиган фоиз ставкага жаҳон молия бозорларининг таъсири математик моделлар орқали асосланган;

инвестицион жозибадордикни оширишда институционал ўзгаришлар зарурияти очиқ берилган;

мамлакат, молиявий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий хатарларнинг давлат кредит рейтингига таъсири комплекс баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлиги расмий манбалар (Ўзбекистон Статистика Қўмитаси, Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Ўзбекистон Марказий Банки) асосида илғор хорижий тажриба, методлар ва материаллардан, шунингдек, натижаларнинг самарадорлигини текшириш учун математик ва статистик усуллардан фойдаланиш орқали тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Олинган натижаларнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, улардан инвестицион хатарлар даражасини аниқлаш ва камайтиришнинг назарий ва методологик асослари такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар ўтказиш жараёнида хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган натижалар, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан фойдаланиш хорижий инвестицияларни жалб этишга масъул бўлган давлат ташкилотлари фаолиятида қўлланиши мамлакатнинг инвестицион жозибадорлигини сезиларли даражада яхшилашда йўриқнома сифатида хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. ТТХИ жалб қилишда молиявий-иқтисодий ва мамлакат хатарларини камайтириш тадқиқоти бўйича олинган илмий натижалар асосида:

турли кўрсаткичлардан (сиёсий барқарорлик ва зўравонлик йўқлиги / терроризм, давлат самарадорлиги, қонун устуворлиги, қонунчилик сифати, сайлов ва ҳисобдорлик индекси, коррупцияга қарши кураш) фойдаланган ҳолда мамлакат хатарини такомиллаштирилган баҳолаш усули бўйича таклифлари Ўзбекистон Республикаси инвестиция ва ташқи савдо вазирлиги фаолиятига жорий этилди (Ўзбекистон Республикаси инвестиция ва ташқи савдо вазирлигидан 2021 йил 27 январдаги 02-08/00885-сонли маълумотнома). Ушбу илмий янгилик натижасида сиёсий барқарорлик ва

зўравонлик/терроризмнинг мавжуд эмаслиги, ҳукумат самарадорлиги, тартибга солиш сифати, аҳолини фикрини инобатга олиш ва ҳисобдорлик, ҳуқуқ устуворлиги, коррупцияни жиловлаб туриш кўрсаткичларининг 1,0 фоизга ортиши мамлакат хатарини 0,83 фоизга камайиши имконини яратди;

Ўзбекистон суверен кредит рейтинги мамлакатимизда инвестицион лойиҳаларга қўлланиладиган фоиз ставкасига бевосита таъсир кўрсатиши бўйича ишлаб чиқилган эконометрик модели орқали аниқланган самарадорлик кўрсаткичлари Ўзбекистон Республикаси инвестиция ва ташқи савдо вазирлиги амалиётига жорий этилди (Ўзбекистон Республикаси инвестиция ва ташқи савдо вазирлигидан 2021 йил 27 январдаги 02-08/00885-сонли маълумотнома). Ушбу таклиф натижасида мамлакат суверен кредит рейтингининг «ВВ»дан «ВВВ»гача кўтарилиш ва ТТХИ капитали таннархи 3,3 фоизга камайтириш имкониятлари асосланди, бу эса, ўз навбатида, ҳар 1 млрд. АҚШ долларлик жалб этилган хорижий инвестиция учун 33 млн. АҚШ долларлик фоиз тўловларини тежаб қолиш имконини яратди;

валюта захираларини кўпайтириш, инфляция даражасини ва мамлакатнинг ташқи қарздорлик даражасини камайтириш орқали Ўзбекистон Республикасининг молиявий-иқтисодий ва мамлакат хатарини юмшатиш йўллари бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси инвестиция ва ташқи савдо вазирлиги фаолиятига жорий этилди (Ўзбекистон Республикаси инвестиция ва ташқи савдо вазирлигидан 2021 йил 27 январдаги 02-08/00885-сонли маълумотнома). Ушбу таклиф натижасида мамлакат молиявий кўрсаткичларнинг 1 фоизга яхшилаш асосида мамлакат инвестицион хатарининг 0,17 фоизга камайтириш имконини яратди;

хорижий инвестиция оқимларини бошқаришда индекс кўрсаткичларидан фойдаланиш бўйича тавсияни Ўзбекистон Республикаси инвестиция ва ташқи савдо вазирлиги амалиётида қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси инвестиция ва ташқи савдо вазирлигидан 2021 йил 27 январдаги 02-08/00885-сонли маълумотнома). Берилган тавсия натижасида мамлакатга киритилаётган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни йўналишларга (иқтисодий тармоқ турларига) қараб инвестицион капитал фоиз ставкалари шакллантирилди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 3 та республика ва 2 та халқаро илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 8 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларни асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та илмий мақола республика, 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган. Диссертация ҳажми 111 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарбли, тадқиқотнинг мақсади ва вазибалари, предмети ва объекти, тадқиқотнинг назарий ва методологик асослари, тадқиқот гипотезалари ва ҳимояга олиб чиқиладиган ҳолатлар ва илмий янгиликлар, тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти, шунингдек, натижаларнинг ишончлилиги ва апробацияси келтирилган.

«Хорижий инвестицияларни жалб этишнинг концептуал асослари», деб номланган биринчи бобда хорижий инвестицияларни жалб қилиш зарурияти, унинг мамлакат тараққиётидаги роли асослаб берилган. Биринчи бобнинг вазибалари сифатида: тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг моҳияти ва аҳамиятини очиқ бериш; хатарларнинг юзага келиши, уларни аниқланиш, таснифлашнинг назарий жиҳатлари таҳлилини амалга ошириш; хатарларни ўрганиш ва уларни бошқариш усулларини ривожлантириш мақсадларида статистик моделларни яратиш асослари ёритиб бериш; мамлакат ва молиявий-иқтисодий хатарларни камайтириш механизмини такомиллаштириш бўйича амалий таклифларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотда муаллиф томонидан тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг экспорт рақобатбардошлигини ошириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, ички бозорларда рақобатни кучайтириш жараёнларидаги ижобий жиҳатларини очиқ берувчи илмий тадқиқотлар келтириб ўтилган. Муаллиф томонидан трансчегаравий инвестиция фаолияти соҳасидаги халқаро ва миллий қонунчилик талаблари батафсил кўриб чиқилган. Тадқиқот натижалари инвестиция соҳасида халқаро қонунчиликнинг жорий этилиши нафақат Ўзбекистоннинг инвестицион жозибadorлигини ошириш, балки мамлакатдаги ишбилармонлик муҳитининг ҳам яхшиланишига олиб келишини кўрсатмоқда.

Бобда муаллиф томонидан «тўғридан-тўғри хорижий инвестиция»лар тушунчасига алоҳида эътибор берилди. Ўзбекистон Республикасининг «Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида»ги қонунига кўра, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар⁷ – чет эллик инвесторнинг ҳукумат кафолатларисиз, таваккалчилик шароитларида ўз маблағлари ёки қарз маблағлари ҳисобидан киритилган инвестициялардир. А.Ш.Бекмуродовнинг фикрича⁸, ТТХИ – «инвесторга қорхонани назорат қилиш ҳуқуқини берувчи капитални тўғридан-тўғри экспорт қилиш» ва шу билан «қорхона асосий [бош] компаниясининг хорижий шўъба қорхонасига айланади». В.А.Ваҳобов⁹ эса ТТХИ – «инвесторга иқтисодий фаолияти устидан таъсирчан назорат этиш имконини берадиган инвесторнинг узоқ муддатли, фирманинг камида 10 фоизи улушига ёки акциядорлар капиталига эгаллик қилишига имкон берадиган инвестициядир», деб таъкидлайди. Муаллиф диссертацияда

⁷ «Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Тошкент, 25.12.2019 г., №ЎРҚ-598 // www.lex.uz

⁸ Бекмуродов А.Ш., Карриева Я.К., Нематов И.У., Набиев Д.Х., Каттаев Н.Т. Хорижий инвестициялар. - Тошкент : Иқтисодиёт. - Т. 1 : 1. – Ўқув қўлланма.

⁹ Ваҳабов А.В. Хажибаев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. - Тошкент : Молия, 2010. - Т. 1 : 1. – Ўқув қўлланма.

«тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар» атамасини, аввало, хўжалик фаолияти устидан қисман ёки тўлиқ назоратни таъминлаш орқали хорижий корхонага инвестиция» сифатида тушуниш кераклигини таъкидлайди.

Илмий ишда муаллиф «мамлакат хатари» атамасини талқин қилишнинг турли ёндашувларини кўриб чиқди. Д.Мелдрум¹⁰ «мамлакат хатари» тушунчаси билан боғлиқ қуйидаги таърифи эътиборга молик: «...барча тижорат операциялари хатар билан маълум бир даражада боғлиқ... тижорат операциялари халқаро чегаралар орқали амалга оширилганда, улар маҳаллий операцияларда мавжуд бўлмаган қўшимча хатарларга дуч келади. «Мамлакат хатарлари» деб аталадиган бу қўшимча хатарларга одатда иқтисодий тизим, сиёсат, ижтимоий-сиёсий институтлар, географик жойлашув ва валюталардаги, миллий фарқлардан келиб чиқадиган хатарлар киритилади...». А.Бекмуродов ва бошқалар¹¹ ўз ишларида ушбу атамани мамлакатнинг инвестиция муҳитининг турли омиллари мажмуи сифатида қарашни таклиф қилади (ва бу талқин бошқаларини рад этмайди): «...[мамлакатнинг] инвестиция муҳити – инвестицияларнинг жозибадорлиги ва хатарлар даражасини белгиловчи ижтимоий-иқтисодий, молиявий ва сиёсий омиллар мажмуидир». Муаллиф «мамлакат хатари» атамасини хорижий давлат ҳудудида капитални инвестициялаш билан боғлиқ ноаниқлик ва бу ноаниқликнинг инвестор учун активларнинг йўқолишига олиб келиши мумкин бўлган омил сифатида қараш лозимлигини таъкидлайди. «Молиявий-иқтисодий хатар» деганда эса мамлакат хатарининг ажралмас қисми бўлган ва инвестицияларни қабул этувчи мамлакатнинг молиявий-иқтисодий конъюнктураси билан бевосита боғлиқ бўлган хатар сифатида ёндашишни таклиф этади.

Тадқиқот ишлари давомида ТТХИ технологик иккиламчи таъсири Австралия, Канада, Мексика, Марокаш, Венесуэла ва Хитой каби мамлакатлар мисолида кўриб чиқилди. ТТХИни жалб этувчи мамлакатларнинг тўпланган тажрибаси асосида ТТХИ олувчи мамлакатлар маданий, таълим, ижтимоий ва бошқа хусусиятлари билан фарқланадилар, шу сабабдан барча мамлакатларда муваффақиятли инвестицияларни амалга ошириш ва мўлжалланган мақсадларга эришиш имкониятлари мавжуд эмас. Шу муносабат билан Ўзбекистон иқтисодиётига ТТХИ жалб этилишининг муваффақиятлилиги кўп жиҳатдан давлатнинг ТТХИ ва иқтисодиётга янги технологиялар ва илм-фанни жорий этиш борасидаги сиёсати билан белгиланади. Шундан келиб чиққан ҳолда, ТТХИ соҳасидаги давлат сиёсати мамлакатнинг узоқ муддатли стратегик мақсадларидан келиб чиқиб, иқтисодиёт тармоқларига ТТХИни муваффақиятли жалб этиш ва жорий этиш муаммоларини ҳал қилиши лозим. Илмий ишда трансчегаравий инвестициялар хорижий портфел инвестициялари (ХПИ) ёки ТТХИ шаклида амалга оширилишини қайд этдик. ТТХИ одатда қўшма корхоналарни

¹⁰ Meldrum D.H. Country Risk and Foreign Direct Investment. [Журнал] // Journal of Business Economics. - Berlin : Springer, 2000 г.. - 1 : Т. 35. - ISSN: 0148-6195.

¹¹ Бекмуродов А.Ш. Карриева Я.К., Нематов И.У., Набиев Д.Х., Каттаев Н.Т. Хорижий инвестициялар. - Ташкент : Иқтисодиёт. - Т. 1 : 1. – Ўқув қўлланма.

бошқаришни, технология ва эксперт билимларини трансферини тақозо этса, ХПИ фақат пул маблағларини маълум муддат давомида фойдаланишни назарда тутди. ХПИда давлат, ташкилот ёки корхонанинг қимматли қоғозларига фақатгина «пассив» кўринишда инвестиция этилади. С.Элмирзаевга кўра¹², ХПИ жалб қилишнинг камчиликлари қуйидаги хусусиятларни ўз ичига олади:

дебитор компания ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиши учун жиддий талабларнинг мавжудлиги;

хорижий юрисдикцияни маҳаллий компанияларга амал этиши;

кредит ҳужжатларини кўриб чиқиш бўйича хизматларнинг юқори нархлари;

чет эл қимматли қоғозлар бозори ёки банк кредитлари бўйича мажбуриятлар;

рейтинг агентликларидан кредит рейтингини олиш зарурияти;

қимматли қоғозларни бозорларга жойлаштиришга сарфланадиган вақт;

валюта рискининг юзага келиши ва бошқалар.

Тадқиқот доирасини аниқлаштириш мақсадида муаллиф Д.Мелдрум¹³ таснифинидан фойдаланди:

ТТХИ (хусусий секторнинг узок муддатли инвестициялари);

қисқа муддатли молиявий инвестицияларни (хусусий секторнинг қисқа муддатли инвестициялари);

қисқа муддатли давлат кредитлар ва узок муддатли давлат кредитлар.

Мамлакат хатарини батафсил ўрганиш мақсадида хатарларни бир неча гуруҳларга ажратиб ўрганишни таклиф этилди (1-расм.).



1-расм. Хатарлар таснифи¹⁴

Муаллиф тадқиқот ишида мамлакат ва молиявий-иқтисодий хатарларни баҳолашда қўлланиладиган асосий фикрларни келтиради. Ишлаб чиқилган

¹² Elmirezayev S. Korporativ moliyada xorijiy kapitalni jalb etish // Darslik: Korporativ Moliya / muh. Elmirezayev S. Toshkent: Iqtisod-Moliya, 2019. bb. 140-150.

¹³ Meldrum D.H. Country Risk and Foreign Direct Investment. [Журнал] // Journal of Business Economics. - Berlin : Springer, 2000 г. - 1 : Т. 35. - ISSN: 0148-6195.

¹⁴ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

эконометрик моделлардан фойдаланиб, мамлакатларнинг (масалан, Ўзбекистоннинг) рейтинг баҳолари ҳисобланди; мамлакат ва молиявий-иқтисодий хатарлар даражалари аниқланди. Регрессия моделларини тузиш ва гипотезаларни исботлаш учун асосий формулалар ва постулатлар муаллиф томонидан батафсил келтирилди.

«Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш амалиёти ва молиявий-иқтисодий хатарларни баҳолаш таҳлили», деб номланган иккинчи бобда Ўзбекистонда қабул этилган ва халқаро инвестиция қонунчилиқ нормаларига асосланган норматив ҳужжатлар таҳлил этилди. Ўзбекистоннинг асосий меъёрий ҳужжатлари Инвестицион келишмовчиликларни тартибга солиш халқаро маркази (ИКТСХМ)¹⁵ ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг савдо ва тараққиёт бўйича конференциясида (БМТСТК)¹⁶ рўйхатга олинган халқаро ҳуқуқий нормаларни инвесторлар томонидан қўлланиши ҳуқуқини тан олади. Инвестициялар (жумладан, ТТХИ) соҳасига халқаро қонун ҳужжатларининг киритилиши нафақат Ўзбекистоннинг инвестицион жозибадорлигини, балки умуман ишбилармонлик муҳитини яхшилашда муҳим ижобий омил эканлигини таъкидланди. Яъни, халқаро инвестицион битимларни ратификация этиш ва бажариш («Халқаро инвестициялар ва трансмиллий компаниялар тўғрисида» ИХТТ декларацияси), халқаро арбитражни тан олиш (ИХТТ, ИКТСХМ) потенциал хорижий инвесторларнинг иқтисодиётимизга бўлган ишончини сезиларли даражада оширади. Хорижий ва миллий инвесторларга берилган кафолатлар, имтиёзлар ва бошқа инструментлар кўриб чиқилди. Хорижий инвестицияларнинг таснифланиши, уларни жалб қилиш тартиби ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида тартибга солинадиган бошқа хусусиятлар таҳлили амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси инвестиция соҳасидаги қонунчилигининг мослашувчанлиги Вазирлар Маҳкамаси¹⁷ билан тузилган битимларда келтирилган қўшимча имтиёз орқали таъминланади. Инвестицион жозибадорликни оширишда эркин иқтисодий зоналар (ЭИЗ) ва кичик саноат зоналарининг (КСЗ) алоҳида ўрни ҳам аҳамиятлидир.

Инвестицион хатарларга таъсир этувчи омилларни чуқур ўрганиш эконометрик моделларни куриш нуқтаи-назаридан амалга оширилади. Молиявий-иқтисодий ва мамлакат хатарлари моделлари мавжуд хатар тўғрисида аниқ тасаввурни яратади ва уни юмшатиш ёки камайтириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишга ёрдам беради. Бундан ташқари, муаллиф томонидан ТТХИ капитали қиймати бўйича фоиз ставкасини ҳисобланди.

¹⁵ КТСХМ давлатлар ва фуқаролар ўртасидаги инвестицион низоларни ҳал этиш тўғрисидаги Конвенсияга («Вашингтон Конвенцияси») мувофиқ ташкил этилган. Конвенция ИКТСХМ мақоми, унинг ташкилий тузилиши ва асосий вазибаларини белгилаб берди. Конвенция 1965 йил март ойида тасдиқланди.

¹⁶ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг савдо ва тараққиёт бўйича конференцияси (БМТСТК/UNCTAD) Бирлашган Миллатлар ташкилоти бош Ассамблеясига бўйсинади. Ташкилот 1964 да ташкил этилган бўлиб, Женевада жойлашган. Бугунги кунга келиб ушбу ташкилотга 194 аъзо мамлакат (жумладан, Ўзбекистон) киради. БМТСТК қарорлари резолюция шаклида қабул қилинади ва тавсиявий характерга эга.

¹⁷ «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, Тошкент, 10.05.2019, №ЎРҚ-537 // www.lex.uz

Моделлар таърифи¹⁸

1-Модел	Ўзбекистоннинг мамлакат хатари даражасини ҳамда унга таъсир этувчи омилларни аниқлаш. Хатарни молиявий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий хатарларга бўлиниши.
2-Модел ¹⁹	Халқаро молия бозорларидаги конъюктурани ҳисобга олган ҳолда ТТХИ капиталининг фоиз ставкасини аниқлаш.

1-моделда қуйидаги ўзгарувчилардан фойдаланилди: ЯИМ аҳоли жон бошига (ЯИМ), олтин-валюта захиралари (ВЗ), самарали бошқарув индекси (СБ), мамлакат иқтисодиёти классификацияси (МИ)²⁰, ташқи қарз нисбати (ТН), инфляция индекси (ИИ)²¹, охири дефолт муддати (ОД), ялпи жамғарма (ЯЖ).

Келтирилган модель 4 йилги маълумотлар асосида ишлаб чиқилди. Моделимиз 2016 йилдан 2019 йилгача бўлган давр учун корреляция коэффиценти изчил юқори қийматларни кўрсатди (2-жадвал). 2017 йил маълумоти учун модел натижалари 2018 йилда хатарни баҳолаш учун амал қилади, ва 2019 йил модел натижалари, ўз навбатида, 2020 йилда амал қилади. Моделда кўриб чиқиладиган бутун давр учун барча параметрларда жуда барқарор натижаларни кўрсатади; бу эса кейинги йиллар учун прогноз этиш имконини яратади. Бундан ташқари, ушбу модел рейтинг баҳоларининг қийматларини қайта ҳисоблаш имконини беради.

2-жадвал

Регрессия статистикаси²²

№	Кўрсаткичлар	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й ²³
1.	Корреляция коэффиценти	0,910	0,940	0,943	0,928	>0,9
2.	R-квадрат	0,829	0,884	0,889	0,862	>0,8
3.	Меъёрлашган R-квадрат	0,816	0,877	0,881	0,851	>0,8
4.	Стандарт хато	0,128	0,107	0,106	0,119	-
5.	Кузатувлар сони	85	95	87	82	-

Тегишли сифат параметрларига эга бўлган барча коэффицентлар учун натижаларнинг якуний жадвали (σ , t-стат., P-value) қуйидаги жадвалда келтирилган. Жадвалдан кўриниб турибдики коэффицентларнинг аҳамиятлилигига кўра бир-бирларидан жуда катта фарқ қилади: самарали бошқарув индекси ($=0,140$) ва ЯИМ ($=0,104$) рейтинг даражасига сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Шу билан биргаликда, ташқи қарз нисбати ($=-0,225$) хатар даражасига салбий таъсир кўрсатади. Бошқа коэффицентлар

¹⁸ Жадвал муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

¹⁹ Damodaran Aswath Papers [Online] // Stern School of Business. - Stern School of Business, July 01, 2020. - September 09, 2020. - http://people.stern.nyu.edu/adamodar/New_Home_Page/papers.html.

²⁰ Диссертацияда ушбу ўзгарувчисиз ҳам модел келтирилди.

²¹ Диссертацияда ушбу ўзгарувчисиз ҳам модел келтирилди.

²² Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

²³ 2020 й. учун прогноз кўрсаткичлар келтирилди.

қийматларининг модули 0 қийматга яқин бўлгани сабабли сезиларли даражада моделга таъсир этмаслиги мумкин. Барча ўзгарувчилар учун R-қиймат жуда паст даражада бўлиб, муаллиф илгари сурган гипотезанинг юқори эҳтимоллик билан аниқлигини кўрсатади.

3-жадвал

Регрессия натижалари (2018)²⁴

№	Ўзгарувчи номи	Коэффицици ентлар	σ	t-стат.	P-Value
1.	Ү-кесишма	-0,797	0,245	-3,247	0,001
2.	ЯИМ (ЯИМ)	0,104	0,023	4,366	0,000
3.	Олтин-валюта захиралари (ВЗ)	0,005	0,003	1,726	0,088
4.	Самарали бошқарув индекси (СБ)	0,140	0,027	5,072	0,000
5.	Ташқи қарз нисбати (ТН)	-0,225	0,037	-6,085	0,000
6.	Охирги дефолт муддати (ОД)	0,002	0,001	2,275	0,025
7.	Ялпи жамғарма (ЯЖ)	0,008	0,002	3,693	0,000

Юқорида келтирилган маълумотлар асосида Ўзбекистон мисолида ҳисоб-китоблар амалга оширилди:

$$f(\text{ЯИМ; ВЗ; СБ; ТН; ОД; ЯЖ}) = -0,797 + 0,104(9,03) + 0,005(12,94) + 0,140(-0,95 - 0,225(0,35) + 0,002(50) + 0,008(25,3) = 0,2975$$

Яъни, диссертация иловасида келтирилган S&P таснифи жадвалга кўра 2019 йилда Ўзбекистон кредит рейтинги «BB-» даражасида эканлигини кўрсатади.

1-модель мамлакат хатарини молиявий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий хатарларга бўлиш имконини беради. Шу мақсадда регрессияда Самарали бошқарув индексидан (СБ) эркин (экзоген) ўзгарувчи сифатида фойдаланилди.

4-жадвал

Хатарлар тақсимланиши (2019)²⁵

меъёрлашган R-квадрат (6 ўзгарувчили) ²⁶	меъёрлашган R-квадрат тузатилган (1 ўзгарувчили)	Ижтимоий-сиёсий хатарнинг мамлакат хатаригаги улуши
0,851	0,706	83%

4-жадвалга кўра мамлакат хатарининг ижтимоий-сиёсий хатардаги улуши тақрибан 83% ($\approx 0,706/0,851$) ташкил этади, ва, мос равишда, молиявий-иқтисодий хатар 17% ни ташкил этади.

Хатарни капитал нархига боғлаш учун муаллиф қуйидаги формуладан фойдаланган:

$$R = R_f + \beta (\text{ЛБМ}) + \text{МХМ}$$

²⁴ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

²⁵ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

²⁶ 2-жадвалга қаранг.


бу ерда: R – ТТХИ лойихаси учун қўлланиладиган фоиз ставкаси; β – ТТХИ фаолият кўрсатадиган тармоқ коэффициентини; R_f – АҚШ давлат облигациялари бўйича хатарсиз фоиз ставкаси²⁷; МХМ – мамлакат хатари мукофоти давлат қарздорлик мажбуриятлари бўйича фоиз ставкаси (R_{gov}) ва хатарсиз фоиз ставкаси (R_f) ўртасидаги фарқ сифатида келтирилади:

$$МХМ = R_{gov} - R_f$$

ЛБМ – ликвид бозор мукофоти S&P500 индекси ва R_f ўртасидаги фарқ кўринишида қуйидаги формула орқали келтирилди:

$$ЛБМ = S\&P500 - R_f$$

2-модел шуни кўрсатдики, ЛБМ ёки МХМларнинг ошиши капиталнинг фоиз ставкасининг ошишига олиб келади. Қуйидаги расмда ЛБМнинг турли тармоқлардаги капиталнинг фоиз ставкасига қай тарзда таъсир этиши кўрсатилди.



2-расм. Капитал ставкасининг ЛБМга боғлиқлиги²⁸

2-модель ТТХИ капитал фоиз ставкаси капитал бозор мукофоти (ЛБМ) кўрсаткичларига ва ТТХИни қабул этувчи мамлакатнинг хатари (МХМ) даражасига боғлиқлигини аниқ кўрсатиб берди. Икки турдаги саноат тармоқлари мисолидан фойдаланиб, Ўзбекистонда тўқимачилик саноатида ($\beta = 0,6$) ва фармацевтика саноатида ($\beta = 1,1$) инвестицион капитал фоиз ставкаларининг шаклланиши қуйидагича:

$$R_{\text{текст.}} = R_f + \beta (\text{ЛБМ}) + \text{МХМ} = 0,7\% + 0,6(4,13\%) + 5,28\% = 8,46\%$$

$$R_{\text{фарм.}} = R_f + \beta (\text{ЛБМ}) + \text{МХМ} = 0,7\% + 1,10(4,13\%) + 5,28\% = 10,52\%$$


Юқоридаги ҳисоб-китоблардан кўришиб турибди-ки, саноат тармоғи қанчалик хатарли бўлса, капиталнинг фоиз ставкаси шунчалик юқори бўлади.

МХМ миқдорини мамлакат кредит рейтингига боғлиқлиги бизнес соҳасига жалб этилаётган капитал учун белгиланган фоиз ставкасини камайтиришни кўзлаган ҳолда, ушбу миқдорни камайтириш заруриятини юзага келтиради. Мамлакат кредит рейтингини қанча паст бўлса, давлатнинг

²⁷ 10 йиллик тўлов муддатли.

²⁸ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

қарздорлик мажбуриятлари бўйича фоиз ставка шунча юқори бўлади. Мамлакат кредит рейтингининг пасайиши, нафақат давлат қарз мажбуриятлари бўйича, балки хўжалик юритувчи субъектларнинг барча мажбуриятлари бўйича ҳам фоиз ставкасининг ошишига олиб келади.



3-расм. Мамлакат кредит рейтинги ва давлат облигациялари фоиз ставка миқдорлари (Moody's га кўра)²⁹

Илмий ишда барча хўжалик юритувчи субъектларнинг (шу жумладан, трансмиллий компанияларнинг) мамлакат хатарига тенг даражада дучор бўлиши назарда тутилади. Кредит рейтингини яхшилаш нафақат хорижий инвесторлар учун, балки маҳаллий инвесторлар томонидан жалб этиладиган капитал арзонлашишига олиб келади. Бундан ташқари, суверен кредит рейтингининг яхшиланиши фоиз тўловлари бўйича бюджет харажатларини камайтиради.

«Мамлакат ва иқтисодий-молиявий хатарлар негизда инвестицион жозибадорликни оширишнинг устувор йўналишлари» номли учинчи бобда инвестиция жараёнида трансмиллий компанияларни (ТМК) қўллаб-қувватлаш соҳасидаги халқаро тажриба ёритиб берилган. Масалан, Махсус чет эл инвестиция компанияси (МЧЭИК), Кўп томонлама инвестицияларни кафолатловчи агентлик (КТИКА), Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ) каби халқаро ташкилотларнинг хизматлари ва бошқалар батафсил кўриб чиқилди. ТТХИ халқаро ташкилотлар ва давлатлардан кўмак олиш учун ҳам ижтимоий, ҳам экологик муаммоларни ҳал қилиши лозимлиги таъкидланди.

Муаллиф ўз илмий ишида инвестиция хатарларини бошқариш соҳасидаги халқаро институтларнинг тажрибасига алоҳида эътибор қаратади. Жумладан, хорижий инвестицияларнинг кафолатларини таъминлаш дунёнинг ривожланаётган мамлакатларига ТТХИ ҳажмининг барқарор ўсишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланади. Халқаро капитални муайян кафолатларсиз энергетика, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, қишлоқ хўжалиги, йўл ва инфратузилма қурилиши каби муҳим соҳаларга инвестициялашнинг имкони бўлмас эди. Нодавлат ва халқаро

²⁹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган (январ 2021 йил маълумотлари асосида). Манба: <http://pages.stern.nyu.edu/~adamodar/>

нотижорат ташкилотлари томонидан кафолатланган кўплаб инвестицион лойиҳалар Африка қитъасида иқтисодий тармоқларининг муваффақиятли ривожланишига олиб келди (ҳатто ҳарбий тўқнашувлар олиб борилаётган, юқори хатарли мамлакатларда ҳам).

КТИКА инвесторлар ва кредиторларга кафолат бериш йўли билан ривожланаётган мамлакатларга хорижий инвестицияларини жалб этишга кўп жиҳатдан ёрдам бермоқда. КТИКАнинг асосий вазифаси – трансмилий компанияларнинг мол-мулкини экспроприация ёки мусодара қилиш, уруш ва оммавий тартибсизликлар (давлатга итоатсизлик) юзага келиши эҳтимоли жуда юқори бўлган мамлакатларга амалга оширилаётган инвестицион лойиҳаларга кафолат беришдан иборат. КТИКА агентлиги қуйидаги вазиятлар ҳолатлар буйича зарарлардан кафолатларни беради: адолатли арбитраж учун имкониятлар йўқлиги, маҳаллий валютани эркин конвертирланган валютага айирбошлашни таъқиқлаш, суғурта объектига бўлган мулк ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ҳарбий тўқнашувлар ёки фуқаролар тартибсизликлардан кўрилган зарарлар³⁰. 2020 йилда қиймати 6 млрд. АҚШ доллари ҳажмидаги лойиҳалар суғурталанди ва лойиҳаларнинг умумий миқдори эса 22,6 млрд. АҚШ долл. ташкил этди. 2019 йилда, ушбу кўрсаткичлар, мос равишда, 5,55 млрд. ва 23,3 млрд. АҚШ долл. ташкил этди. Яъни қиймати 1 АҚШ долл.га тенг ҳар бир суғурталанган актив учун мамлакатларга жалб этилаётган инвестициялар ҳажми тахминан 4 АҚШ долл. ташкил этади (яъни, мультипликатор 4 га тенг).

